

Онлайн микроқарз ажратиш тўғрисида

№ \_\_\_\_\_ сонли шартнома

\_\_\_\_\_ 2025 й

Тошкент ш.

“Гарант банк” акциядорлик жамиятининг \_\_\_\_\_ банк хизматлари офиси (кейинги ўринларда – Банк) номидан Низом ҳамда 2025-йил \_\_\_\_\_ -сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Банк бошқарувчиси \_\_\_\_\_ бир томондан ва \_\_\_\_\_ доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган, \_\_\_\_\_ (паспорт \_\_\_\_\_ йилда берилган) (кейинги ўринларда – Қарз олувчи) иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. Шартнома предмети**

1.1. Банк Қарз олувчига ушбу шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда онлайн микроқарз маблағини ажратиш, Қарз олувчи эса олинган онлайн микроқарздан фойдаланганлик учун қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини мазкур Шартномада белгиланган муддатларда ва шартларда тўлаган ҳолда қайтариш мажбуриятини олади.

Онлайн микроқарз умумий суммаси \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил этади.

1.2. Онлайн микроқарз бўйича қарз қолдиғига йиллик \_\_\_\_% (мудатига мос келган фоиз ставкаси) ҳажмида фоизлар қўшилади.

Муддати ўтган қарздорлик учун кредит фоизи ўрнатилган фоиз ставкасидан 1,5 баробари миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, ойнинг 2-кунидан кечикмай тўлаб борилади.

1.3. Онлайн микроқарз муддати - \_\_ ой

1.4. Онлайн микроқарздан фойдаланганлик учун фоиз тўлови: йиллик \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ )ни ташкил этади. Онлайн микроқарздан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури: ўзгармас.

**2. Асосий тушунчалар**

2.1. Мазкур Шартномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Қарз олувчи** – вояга етган, муомала лаёқатига ва доимий турар жойига эга, ўз фаолияти натижасида барқарор даромад оладиган жисмоний шахслар;

**Онлайн микроқарз** – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган кредит ажратилишининг тамойиллари асосида, миллий валютада, жисмоний шахсларга мобил илова орқали, ушбу шартномада белгиланган шартлар асосида Қарз олувчига тақдим этиладиган маълум миқдордаги сумма;

**Мобил илова** (кейинги ўринларда “Илова” деб юритилади) – бу мобил/электрон қурилмалар учун Банкнинг дастурий маҳсулоти, жисмоний шахсларга “Онлайн-микроқарз”лар олиш, бир банк (пластик) картасидан бошқасига пул маблағларини онлайн тартибда ўтказиш, шунингдек Пластик картани, Ҳамёни, Талаб қилиб олингунча омонат

ҳисобварағини онлайн тартибда (Интернет тармоғи орқали) бошқариш бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш имконини берувчи восита;

“FaceID” (Биометрик идентификация ахборот) тизими - жисмоний шахсларни идентификация қилиш ва аутентификация қилиш бўйича сўровларни қайта ишлаш имконини берувчи ахборот тизими;

Аутентификация – Банк мижози/Қарз олувчи томонидан эълон қилинган маълумотларнинг ҳақиқийлигини унинг биометрик тасвирини (юз геометриясини) тақдим этиш орқали тасдиқлаш тартиби, шунингдек ушбу тасвирни олдиндан белгиланган аутентификация протоколига мувофиқ ўзгартириш жараёни;

Акцепт – Қарз олувчининг розилигини билдиришга, Банк томонидан Микроқарз олиш учун таклиф қилинган шартларни қабул қилишга йўналтирилган ҳаракатлари.

**кредитни тўлаш санаси** – Қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларини тўлик бажаришига олиб келадиган кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг жами қолдиғини ва қарз қолдиғини қоплайдиган охирги тўлов тушган сана;

**онлайн микроқарзнинг қайтариш санаси** – Қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларини тўлик бажаришига олиб келадиган онлайн микроқарз бўйича ҳисобланган фоизларнинг жами қолдиғини ва қарз қолдиғини қоплайдиган охирги тўлов тушган сана;

**онлайн микроқарз бўйича қарздорлик** – Қарз олувчи номига очилган тегишли ҳисобварақларда ҳисоб юритилаётган онлайн микроқарзнинг ҳаммаси ёхуд Қарз олувчи томонидан фойдаланилган онлайн микроқарзнинг қолдиғи, тегишли ҳисоб рақамларида Қарз олувчига очилган ҳисоб рақамларидаги кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар.

**Онлайн микроқарз бўйича тўлов муддати ўтган қарздорлик** – онлайн микроқарз ёхуд унинг бир қисми, онлайн микроқарздан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар ҳамда Қарз олувчи томонидан белгиланган муддатда тўланмаган бошқа тўлов мажбуриятлари бўйича қарз суммаси.

### **3. Онлайн микроқарз ажратиш шартлари**

3.1. Онлайн микроқарз бўйича тўловлар аннуитет тўловлар билан сўндириб борилади. Ушбу Шартноманинг иловаси ва ажралмас қисми бўлган онлайн микроқарзни сўндириш графигига мувофиқ сўндириш даврийлиги ҳар ойнинг \_\_-санасига амалга (ойига камида бир марта) оширилади.

Шартнома бўйича асосий қарз ва фоизларни бажариш санаси дам олиш кунига тўғри келса, тўлов ундан кейинги биринчи иш кунда амалга оширилади.

Кредитни сўндиришнинг охирги муддати - \_\_\_\_\_-йил.

3.2. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, Банкка онлайн микроқарзни сўндириш бўйича Қарз олувчининг барча банклардаги ҳар қандай ҳисобварақларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини акцептсиз чиқариб олиш ҳуқуқини беради.

3.3. Қарз олувчидан қабул қилинган маблағлар ёки Қарз олувчининг Банкдаги ҳар қандай ҳисобварақларида мавжуд бўлган пул маблағлари ушбу Шартнома бўйича қарздорликни тўлаш учун қуйидаги тартиб ва кетма-кетликда йўналтирилади:

1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича

қарздорлик;

3) неустойка (жарима, пеня);

4) кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари».

Асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўланганлик санаси деб маблағларни кўрсатилган ҳисобварақларга келиб тушган кун ҳисобланади.

#### **4. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

##### **4.1. Банкнинг ҳуқуқлари:**

4.1.1. Онлайн микроқарзнинг навбатдаги қисми ўз вақтида сўндирилмаган ҳолларда:

а) онлайн микроқарз (ёки унинг бир қисми) муддати ўтган тўловлар ҳисобварағига киритилган санадан бошлаб микроқарз учун ҳақни оширилган фоиз ставкаси бўйича, муддати ўтган қарз суммасидан 1,5 баробар (фоиз ставкага қараб белгиланади) белгилаш;

б) Қарз олувчидан онлайн микроқарзни муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан дарҳол чоралар кўришини талаб қилиш;

в) қонунчиликка мувофиқ, онлайн микроқарз бўйича қарзни сўндириш учун таъминотга қаратиш борасидаги ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш;

г) Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бузилиши ва/ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳамда онлайн микроқарзни қайтарувчи ҳар қандай омиллар пайдо бўлганда, кредит шартномасини муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиш ва қарздорликни тўлиқ ундириш тўғрисида тегишли судга даъво аризаси киритиш;

д) ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш;

е) Ушбу Шартномага ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш

4.1.2. Қарз олувчи ушбу Шартнома шартларини қандай бажараётганлигини текшириш.

4.1.3. “Қарз олувчи” томонидан ушбу шартнома шартларининг бажарилиши ва унинг шартлари тўғрисидаги маълумотларни “Кредит ахбороти таҳлилий маркази” кредит бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит Ахбороти Давлат Реестрига юбориш.

##### **4.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:**

4.2.1. Ушбу Шартномада кўрсатилган шартларда онлайн микроқарз берилишини талаб қилиш.

4.2.2. Ҳар ойда онлайн микроқарзни сўндириб бориш ва фоизларни тўлаш учун ишлатиладиган маблағларни Банкда махсус очилган депозит ҳисобварағига олдиндан, асосий қарз ва фоизлар бўйича навбатдаги тўлов муддати келгунича киритиб бориш.

4.2.2. Банк томонидан микроқарз шартномаси ўзгартирилиши кутиладиган ҳолларда бу ҳақда камида 5 кун олдин ахборот олиш.

4.2.3. Онлайн микроқарзни ўз маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин сўндириш. Асосий қарзни сўндиришдан олдин Қарз олувчи шу санагача ҳисоблаб қўшилган фоизларни тўлаши керак.

4.2.4. Онлайн микроқарз бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар Банкка тўлиқ қайтарилган ҳолда ушбу шартномани муддатидан аввал бекор қилиш.

4.2.5. Кредит шартномаси имзолангандан сўнг кредит олишдан бепул асосида воз кечиш.

4.2.6. Қарз олувчи ушбу шартнома имзолашдан олдин унинг шартлари билан танишиб чиқиш.

### **4.3. Банкнинг мажбуриятлари:**

4.3.1. Қарз олувчига скоринг тизими кредит ажратиш мумкунлигини тасдиқлагандан сўнг, онлайн микроқарз маблағини ажратиш.

4.3.2. \_\_\_\_\_ микроқарз ҳисобварағи очиш.

4.3.3. Қарз олувчининг пластик картасига тушириш орқали амалга ошириш.

4.3.4. Қарз олувчини скоринг тизимининг таҳлилига асосан онлайн микроқарз беришни рад этиш, онлайн микроқарзни муддатидан олдин ундиришга қаратиш сабаблари тўғрисида ёзма хабардор қилиш.

### **4.4. Қарз олувчининг мажбуриятлари:**

4.4.1. Олинган онлайн микроқарзни ва ҳисобланган фоизларни ушбу шартнома шартларига ҳамда тўлов жадвалига мувофиқ муддатида тўлаб бориш;

4.4.2. Кредитлашнинг таъминланганлик, муддатлилик, қайтарилувчанлик ва тўланувчанлик тамойилларига қатъий амал қилиш.

4.4.3. “Қарз олувчи кредит шартномаси шартларини (шу жумладан, кредитни сўндириш графигини, кредитни мақсадли ишлатиш юзасидан шартнома талабларини ва ҳ.к.) бир марта бузган тақдирда Банкнинг биринчи талабига асосан гаровга қўйилган мол-мулкни гаров қийматида ёки Банк билан келишган ҳолда бошқа қийматда Банк балансига топшириш мажбуриятини олади.”

4.4.4. Онлайн микроқарз таъминоти сифатида қуйидагиларни амалдаги қонун талабларига мувофиқ ва Банкни қониқтирадиган шаклда расмийлаштириб, тақдим этиш:

Ўз ҳисобидан \_\_\_\_\_ суғурта компаниясининг \_\_\_\_\_ сўмлик (ёзма равишда) “Кредит қайтмаслик хатаридан” суғурта полиси.

4.4.5. Ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўловлар жадвали ҳамда Муддатли мажбуриятномага мувофиқ онлайн микроқарз ва унга ҳисобланган фоизларни \_\_\_\_\_ 2025-йилдан бошлаб ҳар ойда камида 1 (бир) марта сўндириб бориш.

4.4.6. Онлайн микроқарзни сўндириш ва фоизларни тўлаш ишларини қуйидаги тарзда амалга ошириш:

Банк муассасаси кассасига нақд пул топшириш;

Қарз олувчининг Банкда очилган шахсий депозит ҳисобварағи ва пластик картасидан маблағ ўтказиш;

Қарз олувчининг иш ҳақидан нақдсиз ўтказиш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда.

4.4.7. Онлайн микроқарздан фойдаланганлик учун Банкка ҳар ойнинг \_\_-кунида муддатли қарз учун йиллик \_\_\_% ва муддати ўтган қарздорлик бўйича йиллик \_\_\_% ҳисобидан фоизлар тўлаш.

4.4.8. Қарз олувчининг ташаббусига кўра кредит шартномасига ўзгартириш киритилганда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баробари миқдорида тўловни амалга ошириш.

4.4.9. Онлайн микроқарз муносабатлари жараёнида зарур бўлган ҳар қандай ахборотни Банкнинг талабига кўра унга тақдим этиш. Банкка тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар тўғрилиги учун Қарз олувчи жавобгар бўлади.

4.4.10. Турар жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши кутилаётгани, шунингдек мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа вазиятлар тўғрисида кўпи билан уч кун ичида Банкка хабар бериш.

4.4.11. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида Қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигисиз ушбу шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятига нисбатан устувор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитлари ёки қарзларини жалб қилмаслиги керак.

4.4.12. Қарз олувчи ушбу Шартномани тузишдан олдин суғурталашнинг асосий шартлари ва суғурта бадалини қоплаш бўйича Банк талаблари билан танишиб чиқади.

4.4.13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни олади.

4.4.14. Қарз олувчи шахсий маълумотларини мобил иловага киритилаётган жараёнида, маълумотларни тўғри ва ҳақоний киритилишига жавобгардир ва ҳар қандай ноқонуний амалиётлар (ФРОД) Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳилофлигини огохлантирилади.

## **5. Мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳолатлари**

5.1. Ушбу бандда қайд этилган ҳодисалар Қарз олувчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатлари ҳисобланади:

- Қарз олувчининг онлайн микроқарз, унга ҳисобланган фоизлар ва/ ёки бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ушбу Шартнома, унинг бўйича тўловлар жадвали, шунингдек, ушбу Шартномада белгиланган бошқа шартномалар бўйича белгиланган санада амалга оширмаслиги;

- Банкни атайлаб ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар тақдим етган ҳолда чалғитиш;

- Қарз олувчининг тўлов қобилиятининг ёмонлашганлиги ёки ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ маълумотларнинг яширилганлиги;

- ушбу Шартнома шартлари ва унда назарда тутилган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги;

- ушбу Шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) бузилиши.

5.2. Қарз олувчи томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келган тақдирда, Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга ошириши мумкин:

- Қарз олувчига мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги ва уни бартараф етиш учун муддатни белгилаган ҳолда ёзма билдиришнома (эътироз хати) юбориш;

- Қарз олувчи томонидан мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда унинг банклардаги барча ҳисобварақларидан (депозит, банк картаси ва ҳ.к.) Қарз олувчининг розилигини олмаган ҳолда (аксептсиз тарзда) онлайн микроқарз бўйича мавжуд қарздорликни қоплашга етадиган пул маблағларини ечиб олиш;

- ушбу шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар юз берганда, Қарз олувчидан онлайн микроқарзнинг бутунлай қисмини ёки унинг бир қисмини белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;

- онлайн микроқарз бўйича барча қарздорликларни оналайн микроқарз таъминоти юзасидан тузилган суғурта шартномада белгиланган тартибда ундирувни сўғуртага қаратган ҳолда ундириш.

## **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **8. Шахсга доир маълумотлар**

8.1. Қарз олувчи ушбу шартномани имзолаш орқали Банкка Қарз олувчининг шахсига оид маълумотларга ишлов беришга ўз розилигини беради.

8.2. Банк Қарз олувчининг шахсига оид маълумотларига қуйидаги мақсадларда ишлов беради ва ишлов бериши мумкин:

- ушбу шартнома бўйича Банкнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини ижро қилишда;
- Қарз олувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлашда;
- Қарз олувчи тўғрисидаги кредит (микроқарз) ахборотини олишда;
- Банкка онлайн микроқарз ресурсларини тақдим қилувчи томонидан талаб қилган маълумотларни тақдим қилишда (микроқарз жалб қилинган ресурслар ҳисобидан амалга оширилган тақдирда);
- онлайн микроқарз таъминотида оид битимларни расмийлаштириш учун нотариус, суғурта компаниялари, гаров реестри, кадастр ва ички ишлар идораларига муурожаат қилишда;
- муайян банк хизматининг самарадорлигини баҳолаш учун маркетинг изланишларини ўтказиш, таҳлилий ёки статистик маълумотларни тайёрлаш ва умумлаштиришда;
- Банк бошқарув органлари, назорат органлари, аудитор ёки потенциал инвесторлар учун Банкнинг фаолияти ва молиявий ҳолатига оид ҳисоботларни тайёрлашда;
- Қарз олувчи ҳақидаги маълумотларни верификация қилиш, шу жумладан, фирибгарлик ҳолатларига йўл қўйилмаслиги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида;
- давлат идоралари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга муддати ўтган микроқарз қарздорликларини ундириш учун муурожаат қилишда;
- янги банк хизматларини таклиф етиш мақсадида;
- юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун шахсга оид маълумотлар акс этган ҳужжатларни маълумот алмашиниш учун алоқа (почта) хизмати кўрсатувчи ташкилотларга тақдим қилиш, электрон ахборот алмашиниш дастурлари базаларига жойлаштиришда.

## **9. Коррупцияга қарши шартлар**

9.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкый характердаги хизматлар, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш, рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

9.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим етишни таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.

9.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

Ёзма хабарномалар “Гарант банк” АЖнинг ишонч телефонлари орқали амалга оширилади.

9.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

9.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

## **10. Форс-мажор**

10.1. Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари – табиий офатлар, эпидемиялар, сув тошқинлари, ушбу Шартнома тарафларининг назорати остида бўлмаган бошқа ҳодисаларнинг юзага келиши тарафларни ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилади.

Агар мажбуриятларини бажаришга форс-мажор ҳолатлари тўсқинлик қилувчи тараф бошқа тарафни бундай ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида 10 (ўн) кунлик муддат ичида хабардор қилмаса, бу тараф ушбу ҳолатларни форс-мажор ҳолати сифатида ҳавола қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Енгиб бўлмас куч ҳолатларини исботлаш мажбурияти ўз мажбуриятларини бажармаган тарафга юклатилади.

## **11. Шартноманинг амал қилиш шартлари**

11.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи онлайн микроқарзни ва унинг фоизларини тўлагунча ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилгунга қадар амал қилади.

11.2. Банк онлайн микроқарз бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига кўра бекор қилиниши мумкин.

11.3. Ушбу Шартнома шартларининг ҳар қандай ўзгариши томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади ва қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Ушбу Шартномага ҳар қандай қўшимча келишувлар, Банкнинг ваколатли вакилининг иштирокисиз тузилган бўлса ва ушбу келишувларда Банкнинг муҳри бўлмаса, юридик кучга эга бўлмайди.

11.4. Ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи Банка шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини бажариш

юзасидан ҳамда қонунчиликка зид келмайдиган бошқа мақсадларда Қарз олувчининг ҳар қандай маълумотларига ишлов бериш ва фойдаланиш ҳуқуқини беради.

11.5. Ушбу шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низолар келишув йўли билан ҳал этилади. Низолар келишув йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, ўз ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаётган тараф бошқа тарафга талабнома юборади. Талабнома тақдим этилган тараф, талабнома олинган кундан бошлаб 10 кун ичида унга жавоб беришга мажбурдир.

Низолар бўйича келишувга эришилмаган тақдирда низо Банк филиали жойлашган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилади.

11.6. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита бир хил нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилди.